

## Германия

<http://www.din.de/>

сайт материаллари бўйича

### Стандартлаштириш

Германия стандартлаштириш институти (DIN) Германиядаги стандартлаштириш бўйича миллий ташкилот ва стандартлаштириш бўйича халқаро (ИСО ва МЭК) ва Европа (СЕН ва СЕНЭЛЕК) ташкилотларида давлатнинг ягона мухтор вакил ҳисобланади. Асосий стандарт DIN 820 стандартлаштириш бўйича немис миллий ташкилоти фаолиятининг принципларини аниқлайди.

DIN асосий ташкилот ва шўъба бўлинмаларидан иборат. Фирмалар (корхоналар) ёки бошқа юридик манфаатдор шахслар, шунингдек алоҳида мутахассислар, олимлар, амалиётчилар DIN аъзолари ҳисобланади.

Немис миллий стандартлари тавсиянома характерига эга ва улар юридик норма сифатида эмас, “техниканинг ҳамма эътироф этган қоидалари” сифатида қабул қилинади. Агар миллий стандарт, федерал қонунлаштирувчи нормалар амал қиладиган соҳаларга тегишли бўлса, у мажбурий характерни олади.

Институт ва ҳукумат ўртасида битим тузилган, унга кўра DIN бутун жамият манфаатлари доирасида ҳаракат қилиши ва савдодаги техник тўсиқларни олиб ташлашга, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш, истеъмолчилар ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга ҳиссасини қўшиши керак.

### Сертификатлаштириш

Германияда сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий базаси бўлиб, аҳоли соғлиғи ва ҳаётини муҳофаза қилиш, атроф муҳитни ҳимоялаш, меҳнат хавфсизлиги, ресурсларни иқтисод қилиш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш каби соҳалардаги қонунлар хизмат қилади. 1990 йилдан бери мамлакатда, ЕИ га аъзо – давлатлар қонунлари билан уйғунлаштирилган, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жавобгарлик тўғрисидаги қонун амал қилади ва у ягона бозор доирасида сертификатлаштириш учун қонунлаштирувчи база бўлиб хизмат қилади. Қонун жуда кенг доирадаги товарларни, ўйинчоқлардан то жиҳозларнинг айрим турларигача, қамраб олади.

Сертификатлаштиришнинг умуммиллий тизими мамлакатда сертификатлаштиришнинг бир неча тизимларини ўз ичига олади. Германия иқтисодиёти эҳтиёжларининг 80-90% ни умуммиллийни ташкил этувчи қуйидаги тизимлар таъминлайди:

А – регламентларга мувофиқликни сертификатлаштириш тизими;

A1 – DIN стандартларига мувофиқликни сертификатлаштириш тизими;

A2 – Электротехника иттифоқини сертификатлаштириш тизими (VDE);

A3 – Германиянинг газ ва сув таъминоти бўйича фирмалар ассоциациясини – DVGW сертификатлаштириш тизими;

В – Германия сифат кафолати ва тамғалаш институтини RAL сертификатлаштириш тизими;

С – саноат технологияларини GS белгисига сертификатлаштириш тизими;

D – қурилиш конструкцияларини федерал нормаларга мувофиқлигини назорат қилиш тизими;

Е – ўлчаш воситалари ва эталонларни сертификатлаштириш тизими;

F – Германия саноат қонунчилигининг 24 бўлимига мувофиқликни сертификатлаштириш тизими.

A1 тизими, DIN стандартларида талаблар ўрнатилган барча турдаги маҳсулотларни қамраб олади. Уни Германия стандартлаштириш институти бошқаради. Тизим ихтиёрий характерга эга. Ундан ўз маҳсулотини

сертификатлаштиришга манфаатдор бўлган немис ва хориж ташкилотлари бир ҳил фойдаланиши мумкин. Ушбу тизимда сертификатлаштириш бўйича бевосита ишларни Мувофиқликни баҳолаш бўйича жамият DIN CERTCO амалга оширади, у ЕИ доирасидаги сертификатлаштириш бўйича бир неча битимларда иштирок этади ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

DIN стандартлари талабларига мувофиқ синалган маҳсулотлар DIN GEPRÜFT (“DIN талабларига мувофиқ синалган”) белгиси билан тамғаланади, 1-расм. Белгининг қўлланилиши инспекцион текширув билан бирга амалга оширилади.



1 – расм. А1 тизимида DIN стандартларига мувофиқлик белгиси.

Бу белги, урушдан олдинги Германиядан қабул қилиб олинган ва савдо белгилари тўғрисидаги Мадрид конвенциясини имзолаган барча мамлакатларда рўйхатдан ўтган DIN белгисига қўшимча равишда киритилган. Бу белги хавфсизликка сертификатлаштирилган маҳсулотларга қўйилган, лекин шу билан бирга ишлаб чиқарувчиларга ўз товарларини DIN стандартлари талабларига мувофиқлигини кўрсатиб, ўз товарларини у билан тамғалаш ҳам ман этилмаган. Ушбу белгини қўллаш учун лицензия талаб этилмайди. DIN GEPRÜFT мувофиқлик белгиси 1972 йилдан жорий қилинган ва фақат сертификатлаштирилган маҳсулотларни тамғалаш учун ишлатилиши мумкин.

А2 тизими – бу Сертификатлаштириш ва синовлар институти (PZI) томонидан амал қилинадиган Электротехниклар иттифоқининг (VDE) тизимидир. Унда VDE қоидалари, баъзида эса DIN стандартлари тааллуқли бўлган электротехник ва электрон маҳсулотларнинг барча турлари сертификатлаштирилади. 1980 йилдан МЭК стандартларига мувофиқлик бўйича синовлар ўтказилади. А2 тизимида сертификатлаштириш ихтиёрий ва мажбурий бўлиши мумкин, бу товарларнинг аниқ турига доир талабларни бевосита қатъий белгилловчи қонунлар мавжудлигига боғлиқ. VDE – синовлар натижалари ва сертификатлаштириш тизимларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги Европа ва халқаро кўп томонлама битимлар иштирокчиси, бу хорижда VDE тизимининг мувофиқлик белгиларини тан олишга ёрдам беради. Улар барча Европа мамлакатларида рўйхатга олинган ва эътироф этилган.

А3 тизими – бу Германиянинг газ ва сув таъминоти бўйича фирмалар ассоциациясини – DVGW сертификатлаштириш тизимидир. Германиядаги газ жиҳозлари “Техник мосламалар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ DIN стандартлари мувофиқлигига мажбурий сертификатланиши керак. Маҳаллий газ компаниялари сертификатлаштирилмаган газ жиҳозларини газ таъминоти тизимига улашни рад этадилар. Германияда газ жиҳозларига доир талабларнинг ўзига хос хусусияти, унинг мамлакатнинг аниқ вилоятида қўлланиладиган газнинг ўша турига мувофиқлиги ҳисобланади, бу жиҳоз ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳисобга олинади.

Газ ва сув таъминоти соҳасида қўлланиладиган товарларнинг бошқа турларини сертификатлаштиришга нисбатан, сертификатлаштириш ихтиёрий характерга эга, лекин истеъмолчилар ҳар доим сертификатлаштирилган товарни афзал кўрадилар.

RAL тизими деб аталадиган В тизими, таркибига сифат бўйича тахминан 150 та уюшма кирадиган, Германия сифат кафолати ва тамғалаш институти раҳбарлига остида ишлайди. Сифат бўйича ҳар бир убшма маҳсулотнинг бир турига мос ҳолда ўз фаолиятини ташкиллаштиради. RAL тизимига тегишли бўлган соҳалар – қишлоқ хўжалиги товарлари ва қурилиш материаллари. Тизимда ихтиёрий сертификатлаштириш ўтказилишига қарамасдан, унинг қоидалари DIN стандартларига асосланган. RAL – синов ва сертификатлаштириш бўйича Европа ва халқаро ташкилотлар аъзоси ва ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимлар иштирокчиси, бу хорижда RAL сертификатлари ва белгисини тан олинишига ёрдам беради.

С тизими – бу Асбоблар хавфсизлиги тўғрисидаги қонун (GSG) талабларига маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатлаштириш тизими бўлиб,

GS белгиси билан тамғаланиб тасдиқланади. Германияда GS белгисига мувофиқлик бўйича асбобларни синайдиган сертификатлаштириш бўйича 100 га яқин органлар ишлайди. Тизим ихтиёрий характерга эга, лекин синовлар, ОШ стандартлари, шунингдек ҳамма тан олган ва махсус рўйхатга киритилган техник қоидалар талабларига мувофиқлик бўйича ўтказилади.



а) А белгиси маҳсулотнинг қуйидаги турларини стандартлар ва техник талабларга мувофиқлигини белгилайди:

- ўрнатиш материаллари;
- маиший мақсад учун аппаратуралар;
- ёритиш жиҳозлари;
- хавфсизликни таъминлаш учун ишлатиладиган трансформаторлар;
- радио ва телевизион мосламалар.



б) Б белгиси кабеллар ва электр шнурлари стандартлари талабларига мувофиқлигини белгилайди.



в) В белгиси билан радиоҳалақитларни йўқотишга доир стандартлар талабларига мувофиқлик белгиланади.



г) Г белгиси сертификатлаштирилган электрон компонентларни тамғалаш учун ишлатилади.

Д тизими аввалгиларидан фарқли равишда мажбурий ҳисобланади ва қонунлаштирувчи буйруқ ва фармойишларга амал қиладиган қурилиш ихтисослиги бўйича маҳсулотларга тегишлидир. Одатда, бу федерал ерлар бошқаруви органларининг фармойишларидир. Тизимни умумий бошқариш Германия қурилиш техникаси институти (DIBT) тасарруфида бўлиб, тизимнинг асосий норматив ҳужжатлари – DIN стандартларидир.

Е тизими – қонунлаштирувчи метрология доирасида амал қилувчи сертификатлаштириш тизими.

Ғ тизими буғ қозонлари, юқори босимдаги баллонлар, ёнувчи суюқликларни транспортда ташувчи воситалар, портлашдан ҳимояловчи электр жиҳозлари, кўтарма мосламаларини сертификатлаштириш билан шуғулланади. Федерал ҳукуматнинг фамойишига биноан, потенциал хавфли сифатида аниқланган кўрсатилган товарларнинг инспекцион текширувининг қатъий режими ўрнатилган: белгиланган талабларга ва идоровий қоидаларга мувофиқ эксплуатация бошлангунча, даврий ва эксплуатация жараёнида текширилади.

Германияда сифат тизимларини сертификатлаштириш бўйича амалий ишни Сифат тизимларини сертификатлаштириш бўйича жамият (DQS) олиб боради. Бу нотижорат ташкилоти бўлиб, сифат тизимини баҳолашни амалга оширади ва мувофиқлик белгисидан фойдаланиш учун сертификат ва лицензия беради, DQS номидан сифат тизимларини сертификатлаштириш ҳуқуқи учун ташкилотларни аккредитлаштиради, инспекторларни ўқитади, ўз ваколати доирасида халқаро ташкилотларда Германия вакили бўлиб иштирок этади.

**Германияга ҳайвондан олинган озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш тартиб-таомили**

Германияга ҳайвондан олинган маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналар қуйидаги тартиб-таомил ва босқичлардан ўтиши керак:

1. Мамлакатни тасдиқлаш
2. Корхонана тасдиқлаш
3. Ветеринар сертификатлаштиришдан ўтиш
4. Ветеринар текширув

Мамлакатни тасдиқлаш ва тасдиқланган мамлакатлар рўйхатига киритиш, соғлиқ ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш (DG SANCO) бўйича ЕИ нинг Бош директоратида, сўровнома беришнинг умумий европа тартиб-таомилига биноан ўтади. Сўровнома асосида европа озиқ-овқат ва ветеринар қонунчилиги талаблари ва шартларини бажаришга нисбатан корхонани баҳолаш ўтказилади. Текшириш босқичларидан бири, баҳолашни ўтказиш учун корхонага Food and Veterinary Office (FVO) экспертлар гуруҳининг бориши ҳисобланади.

Ветеринар текширув. Маҳсулот ва унга илова қилинган сертификатлар келиши билан, Директива қоидаларига биноан назорат органларида текширувдан ўтиши керак. Сўровнома бериш тартиб-таомили Комиссия Регламентида (ЕИ) белгиланган. Бундан инспекциянинг натижаси олиб кириш учун Ягона ветеринар ҳужжатида (CVED) намоён бўлади. Ветеринар текширув Чегара инспекцион постларининг (BIP) муайян текшириш пунктларида ўтказилади. Импортёр ёки унинг вакили, олиб кириш учун ЕИда уйғунлаштирилган ягона ветеринар ҳужжатнинг (CVED) 1 қисмини товар партиясига алоқаси бўлган барча керакли сертификатлар билан тақдим қилиб, олдиндан ветеринар инспекцияга мурожаат қилишлари керак. Ҳужжатлар текширувидан кейин, маҳсулотни айнан ўхшашликка текшириш ва таҳлил учун кичик намуналарни танлаш билан физик текшириш мумкин. Бундай текширувнинг натижаси CVED ҳужжатининг 2-қисмида намоён бўлади.

#### **Озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш бўйича Германиянинг лаёқатли органлари:**

- Озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бўйича федерал вазирлиги
- Озиқ-овқат маҳсулотлари, соғлиқ ва ҳайвонларни боқиш хавфсизлиги бўйича 3 департамент
- Ҳайвонлар соғлиғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари гигиенаси бўйича 32 шўъба

#### **Германияда озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш шартлари**

Германияга озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишга нисбатан бир қатор миллий қонунлаштирувчи ҳужжатлар бор. Германиянинг Асосий қонуни доирасида озиқ-овқат маҳсулотларини расман текшириш учун федерал ерларнинг мувофиқ органлари жавобгар бўлади. Федерал ерларда қонунлаштирувчи ҳужжатларни қўллаш тўғрисида маълумотларни олиш саволлари бўйича, муайян федерал ерда озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш органига мурожаат қилиш тавсия этилади. Лаёқатли органлар тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг манзиллари қуйидаги манзилда берилган:

[http://www.bvl.bund.de/cln\\_027/nn\\_493600/DE/01\\_Lebensmittel/01\\_Sicherheit/Kontrollen/01\\_WerMachtWas/01\\_Landesbehoerden/lm\\_vet\\_ueberw\\_node.html\\_nnn=true](http://www.bvl.bund.de/cln_027/nn_493600/DE/01_Lebensmittel/01_Sicherheit/Kontrollen/01_WerMachtWas/01_Landesbehoerden/lm_vet_ueberw_node.html_nnn=true)

Германиянинг **Божхона органи** шунингдек, Германияга озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишда мувофиқ бўлиши керак бўлган мавжуд миллий ва европа чекловларининг рўйхатини чоп этади.

[http://www.bmelv.de/cln\\_137/SharedDocs/Downloads/Ernaehrung/Kontrolle/ZollisteVorfuhrpflichten.html?nn=522306](http://www.bmelv.de/cln_137/SharedDocs/Downloads/Ernaehrung/Kontrolle/ZollisteVorfuhrpflichten.html?nn=522306)

Европа ҳамжамияти ва учинчи давлатлар орасида савдо-сотиқ учун лицензия керак бўлиши мумкин. Бу маҳсулот турига боғлиқ (гарчи айрим маҳсулотларни маълум миқдоргача лицензиясиз олиб киришга рухсат этилган). Батафсилроқ маълумотларни Федерал агентликнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича сайтида топиш мумкин <http://www.ble.de>